ҚҲММБ: 06/20/5978/0393-сон
03.04.2020 й.

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING**
**FARMONI**

2020 yil « 3 » апрель ПФ–5978 -son

**Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва иқтисодиёт тармоқлари фаолият кўрсатишининг барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, айрим хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. **2020 йил 31 декабрга қадар** 1-иловага мувофиқ товарларни олиб киришда божхона божи ва акциз солиғининг **ноль ставкалари белгилансин.**

Тариф ва нотариф тартибга солиш кенгаши Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун олиб кириладиган хомашё, материаллар, аксессуарлар ва бутловчи қисмларнинг нархини пасайтиришга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ташқи иқтисодий фаолиятни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритсин.

2. Жорий йилнинг март–июнь ойларида тўлаш муддати тугайдиган болалари бўлган оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдамлар тўлаш **уларни тўлашни янги муддатда давом эттириш тўғрисидаги ариза ҳамда бошқа ҳужжатларни талаб қилмаган ҳолда 6 ой муддатга** (бироқ бола тегишлича 2 ёшга ва 14 ёшга тўлгунидан кўп бўлмаган муддатда) танаффуссиз **давом эттирилсин**.

Белгилансинки, ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тўлашни узайтириш билан боғлиқ харажатлар Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан қопланади.

3. Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронларни бепул таъминлаш учун асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиена товарларининг рўйхати карантин тадбирлари амал қилиши даврида **бир марталик ниқоблар, антисептик воситалар ва бактерияга қарши совунлар жамланмаси** билан тўлдирилсин.

4. Белгилансинки, 2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар қуйидагилар:

а) туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш хизматлари) кўрсатувчи субъектлар, "Uzbekistan Airways" АЖ ва унинг таркибий бўлинмалари, "Uzbekistan Airports" АЖ ва "Ўзаэронавигация маркази" ДУК:

**юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни** тўлашдан озод қилинади;

**ижтимоий солиқ**ни камайтирилган ставкада **1 фоиз** миқдорида тўлайди;

б) товарларни (хизматларни) реализация қилиш айланмаси ойига **1 млрд сўмдан ошмайдиган** ва электрон ҳисоб-фактураларни қўллайдиган қўшилган қиймат солиғи тўловчилар ушбу солиқни **ҳар чораклик асосда** ҳисоблаш ва тўлаш ҳуқуқига эга;

в) фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотларга, шу жумладан 2020 йил 1 апрелга қадар аниқланганларга нисбатан **мол-мулк солиғи ва ер солиғининг оширилган ставкаларини қўллаш**, шунингдек, кўрсатилган солиқлар бўйича оширилган ставкаларни қўллаш натижасида юзага келган қарздорликка нисбатан пеня ҳисоблаш ва мажбурий ундириш чораларини кўриш тартиби **тўхтатилади**.

5. Карантин тадбирлари даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган **якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи қатъий белгиланган суммасини ва ижтимоий солиқни ҳисоблаш тўхтатилсин**, бунда фаолиятни тўхтатганлик тўғрисида солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали давлат солиқ хизмати органлари хабардор қилинади ва давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳномани топшириш талаб этилмайди.

6. Ўз фаолиятини тўхтатган ва (ёки) товарлар (хизматлар) реализациясидан тушуми жорий йилнинг биринчи чорагидаги ўртача ойлик миқдорига нисбатан 50 фоиздан кўпроққа камайган микрофирма, кичик корхона ва якка тартибдаги тадбиркорларга солиқ органларини хабардор қилган ҳолда **2020 йил 1 октябрга қадар қуйидаги солиқларни фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи** тақдим этилсин:

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ариза бермасдан туриб айланмадан олинадиган солиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича – уларни кейинчалик 12 ой давомида тенг улушларда тўлаш шарти билан;

ижтимоий солиқ бўйича – уни кейинчалик 6 ой давомида тенг улушларда тўлаш шарти билан.

7. **Жорий йилнинг охирига қадар** спирт, алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан вино ва пиво учун акциз солиғи, шунингдек, бензин, дизель ёқилғиси ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғининг **амалдаги ставкалари сақланиб қолинсин**.

8. 2020 йил 1 апрелдан бошлаб юридик шахслар томонидан **газ ва электр энергияси бўйича олдиндан ҳақ тўлаш** тўғрисидаги мажбурий талаб **30 фоизгача пасайтирилсин.**

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан:

мажбурий захиралар бўйича талабларни енгиллаштириш ҳисобига тижорат банкларини **2,6 трлн сўм** ҳажмидаги қўшимча ликвидлик ресурслари билан таъминлаш;

тижорат банкларига 3 йил муддатгача **2 трлн сўмгача** миқдорда ликвидлик тақдим этишнинг махсус механизмини жорий этиш бўйича кўрилаётган чоралар маъқуллансин.

10. Марказий банкнинг қуйидагилар тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ–5969-сон Фармони ижроси доирасида юридик шахсларнинг кредитлари бўйича **7,9 трлн сўм** ҳажмдаги қарздорлиги кечиктирилган;

Ўзбекистонда ва бошқа мамлакатларда коронавирусга қарши курашиш бўйича кўрилаётган чоралар ва иқтисодий фаолликнинг кескин пасайиши сабабли молиявий қийинчиликларга дуч келган ташкилотларнинг кредитлари бўйича қўшимча реструктуризация қилинадиган тўловлар ҳажми қўшимча равишда **7 трлн сўмни** ташкил этмоқда;

жисмоний шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан 2020 йилнинг навбатдаги 6 ойи мобайнида сўндирилиши лозим бўлган кредитлар бўйича муддати узайтириладиган тўловлар ҳажми **4,7 трлн сўм**ни ташкил этмоқда.

11. Марказий банк қуйидагилар учун шарт-шароитлар яратиш ва тартиб-таомилларни соддалаштириш чораларини кўрсин:

тижорат банклари томонидан молиявий қийинчиликларга дуч келган юридик ва жисмоний шахслар, якка тартибдаги тадбиркорларнинг кредитлари бўйича тўловларга 2020 йил 1 октябрга қадар кечиктириш тақдим этиш;

амалга киритилган карантин режими фаолиятига салбий таъсир кўрсатган қарздорларнинг муддати ўтиб кетган кредитларига гаров таъминоти бўйича жарима санкциялари ва ундирув чоралари қўлламаслик.

Белгилаб қўйилсинки, тижорат банклари томонидан кредитлар бўйича ҳисобланган ва кечиктирилган фоизлар суммаси **кечиктириш тақдим этилган даврда фойда солиғини ҳисоблашда жами даромад таркибига киритилмайди.**

12. Белгилансинки, 2020 йил 1 октябрга қадар Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан:

лойиҳалар сонидан қатъи назар, ижобий кредит тарихига эга бўлган тадбиркорлик субъектларига айланма маблағларини тўлдириш учун бериладиган кредитлар бўйича кредит суммасининг 75 фоизидан ошмаган, бироқ 10 млрд сўмдан ортиқ бўлмаган ҳажмда кафиллик;

тадбиркорлик субъектларига айланма маблағларини тўлдириш учун Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмаган миқдордаги фоиз ставкаси билан миллий валютада бериладиган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация, унинг белгиланган миқдорларини сақлаб қолган ҳолда, тақдим этилади.

Битта қарз олувчига давлат жамғармаси томонидан бир вақтда ҳам кафиллик, ҳам компенсация беришга қўйилган чеклов бекор қилинсин.

13. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси мазкур Фармон доирасида тўлов муддати кечиктирилган кредитларни қайта молиялаштириш учун тижорат банкларига ажратилган ресурсларни сўндириш муддатларини узайтирсин.

14. Молия вазирлиги манфаатдор тижорат банклари билан биргаликда мазкур Фармон доирасида муддати узайтирилган кредитлар бўйича берилган давлат кафолатларини қайта расмийлаштирсин.

15. Белгилансинки:

коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш учун киритилган чеклов чоралари туфайли молиявий қийинчиликларга дуч келган корхоналарга нисбатан **банкротлик тартиб-таомилларини қўллаш** ва уларни банкрот деб эълон қилишга **2020 йил 1 октябргача бўлган муддатда мораторий жорий этилади**;

мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилиши лозим бўлган хўжалик юритувчи субъектларни 2019 йил якунлари бўйича аудиторлик текширувидан ўтказиш муддати **2020 йил 1 октябргача узайтирилади;**

акционерларнинг 2019 йил якунлари бўйича йиллик умумий йиғилишларини **2020 йил 1 октябргача** муддатда, шунингдек, видеоконференцалоқа режимида ўтказишга рухсат берилади;

активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг бараваридан ортиқ бўлган масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятларни ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича талаб **2020 йил якунлари бўйича киритилади;**

карантинга олинган шахсларга нисбатан қўлланилган маъмурий жарималарни (карантин қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик бундан мустасно) тўлаш муддатлари **карантин муддати тугагунга қадар узайтирилади**;

2020 йил 1 октябргача дорихоналарда тайёрланадиган дори воситалари, тиббий буюмлар ва бошқа маҳсулотларни улгуржи сотишга рухсат берилади;

йил якунига қадар қарз берувчига фоиз шаклида даромад тўлаш мажбуриятисиз қарз (қайтариб бериладиган молиявий кўмак) тақдим этилганда солиқ солиш мақсадида қайта молиялаш ставкаси (асосий ставка) асосида аниқланадиган даромад айланмадан олинадиган солиқ ҳамда фойда солиғини ҳисоблашда жами даромад таркибига киритилмайди ва ўз навбатида солиққа тортилмайди;

карантин тадбирлари даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат мулкидан фойдаланганлик учун **ижара тўловларини ҳисоблаш ва ундириш тўхтатилади**;

фойда солиғини аввалги чорак якунлари асосида ҳисоблаш бўйича ўрнатилган талабларни бекор қилган ҳолда, **ушбу солиқни тўловчилар 2020 йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб,** кутилаётган ҳажмлардан келиб чиқиб **фойда солиғи бўйича аванс тўловлар суммаси тўғрисида маълумотнома тақдим этиш ҳуқуқига эга.** Солиқ тўловчилар томонидан мазкур ҳуқуқни суиистеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда давлат солиқ хизмати органларига фойда солиғи бўйича аванс тўловлар тўғрисида тақдим этилаётган маълумотномаларга ўзгартиришлар киритиш ваколати берилади;

ҚҲММБ: 06/20/5978/0393-сон
03.04.2020 й.



2020 йил 1 апрелдан бошлаб солиқ тўловчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларни солиқ солишдан бўшаган маблағларни муайян мақсадларга йўналтириш шартларисиз қўллайди.

Инқирозга қарши курашиш бўйича республика комиссияси (А.Н. Арипов) **ишлаб чиқариш фаолиятини давом эттираётган шахслар** ўз ишчиларига шарт-шароитлар ташкил этиши устидан доимий мониторинг олиб бориш учун уларга санитария-эпидемиология хизматлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг бириктирилишини таъминлаган ҳолда, **ушбу шахслар фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш,** шунингдек, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш учун киритилган чеклов тадбирлари сабабли бажарилмаган инвестиция мажбуриятлари муддатларини узайтириш чораларини кўрсин.

16. Белгилаб қўйилсинки:

коронавирус инфекциясига қарши курашиш бўйича тиббиёт ва карантин муассасалари қурилиши учун зарур бўлган қурилиш материаллари, шунингдек, улар фаолият кўрсатиши учун зарур товарлар 2020 йил 31 декабргача муддатга божхона тўловларидан, шу жумладан қўшилган қиймат солиғидан озод этилади;

коронавирус инфекциясини аниқлаш бўйича экспресс-тестларни олиб киришда улар учун божхона расмийлаштируви йиғими ундирилмайди.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги "Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–5938-сон Фармонига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

18. Хўжалик юритувчи субъектларга мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлашни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имкониятини бериш **ишлари лозим даражада ташкил этилмаганлиги** маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўрсатиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлашни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имконияти берилиши муносабати билан маҳаллий бюджетларининг олинмай қолинадиган даромадлари ўрни Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан ҳар ойда қопланишини таъминласин.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлашнинг амалдаги тартибига оилаларнинг ижтимоий нафақа олишга муҳтожлигини баҳолаш тартиб-таомилларини соддалаштиришга, шу жумладан қуйидагиларга қаратилган ўзгартиришларни киритсин:

ижтимоий нафақа олиш учун ариза билан бирга тақдим этиладиган ҳужжатларни камайтириш;

давлатнинг ижтимоий ёрдам чоралари ҳисобланувчи алоҳида трансфертларни оиланинг жами даромадларидан чиқариб ташлаш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдамларнинг манзиллилигини таъминлаш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорликда ишласин, шунингдек, ижтимоий ёрдамга ўта муҳтож бўлган оилаларга ёрдам кўрсатиш учун тегишли кўмакларни жалб қилиш бўйича тезкорлик билан чоралар кўрсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги икки ҳафта муддатда “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни киритсин.

21. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М.Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** — **Ш.Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

ҚҲММБ: 06/20/5978/0393-сон
03.04.2020 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 3 апрелдаги ПФ–5978-сон Фармонига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда 2020 йил 31 декабрга қадар божхона божи ва акциз солиғининг ноль ставкалари белгиланадиган товарлар**
**РЎЙХАТИ**

| Т/р | ТИФ ТН коди | Товар номи |
|---|---|---|
| 1. | 0207 | 0105-товар позициясида кўрсатилган янги, совутилган ёки музлатилган уй паррандаси гўшти ва қўшимча озуқабоп маҳсулотлар |
| 2. | 0301-0305 | Балиқ |
| 3. | 0402,<br>0405,<br>0407 | Қуюлтирилган ёки шакар ёхуд бошқа ширин таъм берувчи моддалар қўшилган сут ва қаймоқ;<br>Сариёғ ва сутдан тайёрланган бошқа мойлар ва ёғлар; сут пасталари;<br>Пўчоқли, янги, консерваланган ёки қайнатилган парранда тухумлари |
| 4. | 0703,<br>0706,<br>0707 00 | Барра ёки совутилган пиёз, шалот пиёзи, саримсоқ пиёз, порей пиёзи ва бошқа пиёзбошли сабзавотлар;<br>Барра (янги) ёки совутилган сабзи, шолғом, ширин лавлаги, эчкисоқол, селдерей илдизи, редиска ва бошқа шунга ўхшаш истеъмол қилинадиган илдизмевалар;<br>Барра (янги) ёки совутилган бодринглар ва сапча бодринглар |
| 5. | 0708,<br>0713 | Пўчоғи арчилган ёки арчилмаган, барра (янги) ёки совутилган дуккакли сабзавотлар;<br>Пўчоғи арчилган, уруғ пўсти арчиб тозаланган ёки тозаланмаган, янчилган ёки янчилмаган қуритилган дуккакли сабзавотлар |
| 6. | 1101 00,<br>1104 | Буғдой уни ёки буғдой-жавдар уни;<br>1006-товар позициясида кўрсатилган гуручдан ташқари бошқа усулларда қайта ишланган (масалан, оқшоқ ёки янчилган кўринишда пўсти тозаланган, босилган, ёрма қилиб қайта ишлов берилган, оқланган) бошоқли донлар;<br>бутун, ёрма кўринишида босилган ёки янчилган бошоқли дон муртаги |

| | | |
|---|---|---|
| 7. | 1512 | Кимёвий таркиби ўзгартирилмаган ҳолда тозаланган ёки тозаланмаган кунгабоқар, махсар ёки пахта мойи ва уларнинг фракциялари |
| 8. | 1701 99 | Оқ ва бошқа шакар |
| 9. | 1902 | Иссиқлик билан ишлов берилган ёки ишлов берилмаган, ичига масаллиқ (гўштдан ёки бошқа маҳсулотлардан) солинган ёки солинмаган, бошқа усулда тайёрланган ёки тайёрланмаган, шу каби спагетти, макаронлар, угра, лазанья, клецки, равиоли, каннелони макарон маҳсулотлари;<br>тайёрланган ёки тайёрланмаган кускус |
| 10. | 2102 10 310 0,<br>2102 10 390 0 | Хамиртуруш |
| 11. | 3005 | Тиббиёт, хирургия, стоматология ёки ветеринарияда қўллаш учун мўлжалланган, чакана савдо учун шакл ва ўрамларда қадоқланган ёки фармацевтик моддалар шимдирилган ёки қопланган пахта, дока, бинт ва шунга ўхшаш буюмлар (масалан, боғлаш материаллари, лейкопластирлар, припаркалар) |
| 12. | 3306 | Оғиз бўшлиғи ёки тиш гигиенаси воситалари, шу жумладан, тиш протезларини қотириш учун кукунлар ва пасталар;<br>чакана сотиш учун индивидуал қадоқланган тиш ораларини тозалашда ишлатиладиган иплар (тиш ипаги) |
| 13. | 3401,<br><br><br><br><br><br><br><br>3402 | Совун; таркибига совун қўшилган ёки қўшилмаган, бруслар шаклидаги ёки қолипланган буюмлар кўринишидаги совун сифатида ишлатиладиган юзага фаол таъсир кўрсатувчи органик моддалар ва воситалар;<br>суюқлик ёки крем кўринишидаги ва чакана сотиш учун қадоқланган, таркибига совун қўшилган ёки қўшилмаган, юзага фаол таъсир кўрсатувчи органик моддалар ва терини ювиш воситалари;<br>Юзага фаол таъсир кўрсатувчи органик моддалар (совундан ташқари); таркибига совун қўшилган ёки қўшилмаган (3401-товар позициясидан ташқари) юзага фаол таъсир кўрсатувчи моддалар, ювиш воситалари (шу жумладан, ёрдамчи ювиш воситалари) ва тозалаш воситалари |
| 14. | 3406 00 000 0 | Шамлар, мумдан ясалган ингичка шамлар ва шунга ўхшаш буюмлар |

| | | |
|---|---|---|
| 15. | 3605 00 000 0 | Гугуртлар, 3604-товар позициясидаги пиротехника буюмларидан ташқари |
| 16. | 4015 11 000 0, 4015 19 000 0 | Вулканизацияланган резинадан тайёрланган қўлқоплар, иш қўлқоплари ва митенкалар |
| 17. | 4803 00,<br><br>4818 | Ўрамлар ёки листларда бўлган, крепирланган ёки крепирланмаган, гофраланган ёки гофраланмаган, босиб нақшланган ёки босиб нақшланмаган, тешилган ёки тешилмаган, юзаси бўялган ёки бўялмаган қоғоздан тайёрланган ҳожатхона салфеткалари ёки юз артиш учун салфеткалар, сочиқлар ёки хўжалик-маиший ёхуд санитария-гигиена учун мўлжалланган бошқа турдаги қоғозлар, целлюлоза момиғи ва целлюлоза толасидан мато;<br>Эни 36 см дан ошмайдиган рулонларда ёки ўлчам ёхуд шаклда кесилган хўжалик-маиший ёхуд санитария-гигиена учун мўлжалланган ҳожатхона қоғози ва шунга ўхшаш қоғоз, целлюлоза момиғи ва целлюлоза толасидан мато; хўжалик-маиший, санитария-гигиена ёки тиббиёт учун мўлжалланган даструмолчалар, косметик салфеткалар, сочиқлар, дастурхонлар, салфеткалар, чойшаблар ва шунга ўхшаш буюмлар, қоғоз массаси, қоғоз, целлюлоза момиғи ёки целлюлоза толасидан кийим-кечак ва унга тегишли буюмлар |
| 18. | 5603 | Шимдирилган ёки шимдирилмаган, қопламали ёки қопламасиз, дублирилланган ёки дублирилланмаган нотўқима матолар |
| 19. | 9019 20 000 0 | Озон, кислород ва аэрозол терапияси учун сунъий нафас олиш ёки бошқа терапевтик нафас олдириш аппаратлари |
| 20. | 9619 00 | Турли материаллардан тайёрланган аёлларнинг гигиеник прокладкалари ва тампонлари, болалар йўргаклари ва тагликлари ҳамда шунга ўхшаш буюмлар |

ҚҲММБ: 06/20/5978/0393-сон
03.04.2020 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 3 апрелдаги ПФ–5978-сон Фармонига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5938-сон Фармонига киритилаётган ўзгартиришлар**

28-бандида:

биринчи хатбошидаги “икки ой муддатда” сўзлари “2020 йил 1 декабргача” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ва Бюджет ташкилотларининг моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси ҳисобидан 2020 йил 1 июлдан бошлаб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг лавозим маошига 30 фоиз қўшимча махсус устама тўлаш жорий этилсин.”;

учинчи–бешинчи хатбошилар чиқариб ташлансин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
# FARMONI

2020 yil « 3 » апреля УП–5978 -son

## О дополнительных мерах поддержки населения, отраслей экономики и субъектов предпринимательства в период коронавирусной пандемии

В целях усиления социальной защиты населения и обеспечения стабильности функционирования отраслей экономики, а также оказания поддержки отдельным хозяйствующим субъектам в период противодействия распространению коронавирусной инфекции:

1. **Установить до 31 декабря 2020 года нулевые ставки** таможенной пошлины и акцизного налога при ввозе товаров согласно приложению № 1.

Совету по тарифному и нетарифному регулированию совместно с Министерством инвестиций и внешней торговли, Министерством экономического развития и сокращения бедности в двухнедельный срок внести предложения по дальнейшему совершенствованию внешнеэкономической деятельности, обратив особое внимание на снижение стоимости ввозимого сырья, материалов, аксессуаров и комплектующих, используемых субъектами малого предпринимательства для производства продукции.

2. **Продолжать на срок 6 месяцев без перерыва** выплату пособий семьям с детьми, пособий по уходу за ребенком и материальной помощи, срок выплаты которых заканчивается в марте – июне текущего года, **без истребования заявления о продолжении их выплаты на новый срок и иных документов** (но не более срока достижения ребенком 2 лет и 14 лет соответственно).

Установить, что расходы в связи с продлением выплаты социальных пособий и материальной помощи покрываются за счет Антикризисного фонда.

3. Дополнить на период действия карантинных мероприятий Перечень основных продуктов питания и товаров гигиены для бесплатного обеспечения одиноких престарелых и инвалидов, нуждающихся в постороннем уходе, **комплектами одноразовых масок, антисептических средств и антибактериальным мылом**.

4. Установить, что в период с 1 апреля по 31 декабря 2020 года:

а) туроператоры, турагенты и субъекты сферы туризма, оказывающие гостиничные услуги (услуги по размещению), АО «Uzbekistan Airways» и его структурные подразделения, АО «Uzbekistan Airports» и ГУП «Центр Узаэронавигация»:

освобождаются от уплаты **земельного налога с юридических лиц** и **налога на имущество юридических лиц**;

уплачивают **социальный налог** по сниженной ставке в размере **1 процента**;

б) плательщики налога на добавленную стоимость, оборот по реализации товаров (услуг) которых **не превышает 1 млрд сумов** в месяц и применяющие электронные счета-фактуры, вправе исчислять и уплачивать налог на добавленную стоимость **на ежеквартальной основе**;

в) **приостанавливается порядок применения повышенных ставок налога на имущество и земельного налога** в отношении неиспользуемых производственных площадей, сооружений нежилого назначения, в том числе выявленных до 1 апреля 2020 года, а также начисления пени и принятия мер принудительного взыскания задолженности, возникшей в результате применения повышенных ставок по указанным налогам.

5. **Приостановить начисление фиксированной суммы налога на доходы физических лиц и социального налога для индивидуальных предпринимателей**, вынужденно приостановивших свою деятельность на период карантинных мероприятий, без необходимости сдачи свидетельства о государственной регистрации, с уведомлением о приостановлении деятельности органов государственной налоговой службы через персональный кабинет налогоплательщика.

6. **Предоставить право на беспроцентную отсрочку (рассрочку) налогов сроком до 1 октября 2020 года** с уведомлением налоговых органов микрофирмам, малым предприятиям и индивидуальным предпринимателям, приостановившим свою деятельность и (или) у которых сумма выручки от реализации товаров (услуг) сокращается более чем на 50 процентов по сравнению со среднемесячным за первый квартал текущего года:

без подачи заявления органам государственной власти на местах по налогу с оборота, налогу на имущество, земельному налогу, налогу за пользование водными ресурсами – с последующей их уплатой равными долями в течение 12 месяцев;

по социальному налогу – с последующей его уплатой равными долями в течение 6 месяцев.

7. **Сохранить до конца текущего года действующие ставки** акцизного налога на спирт, алкогольную продукцию, включая вина и пиво, а также акцизного налога при реализации конечному потребителю бензина, дизельного топлива и газа.

8. Снизить с 1 апреля 2020 года обязательное требование о внесении юридическими лицами **предоплаты по газу и электроэнергии до 30 процентов**.

9. Одобрить принимаемые Центральным банком Республики Узбекистан меры по:

обеспечению коммерческих банков дополнительными ликвидными ресурсами в объеме **2,6 трлн сумов** за счет облегчения требований по обязательным резервам;

внедрению специального механизма предоставления ликвидности коммерческим банкам со сроком до 3 лет в сумме **до 2 трлн сумов**.

10. Принять к сведению информацию Центрального банка о том, что:

в рамках исполнения Указа Президента Республики Узбекистан от 19 марта 2020 года №УП–5969 отсрочена задолженность по кредитам юридических лиц в объеме **7,9 трлн сумов**;

объем дополнительно реструктуризуемых платежей по кредитам организаций, столкнувшихся с финансовыми трудностями в связи с принимаемыми в Узбекистане и в других странах мерами по борьбе с коронавирусом и резким снижением экономической активности, составляет дополнительно **7 трлн сумов**;

объем пролонгируемых платежей по кредитам физических лиц и индивидуальных предпринимателей, подлежащих погашению в последующие 6 месяцев 2020 года, составляет **4,7 трлн сумов**.

11. Центральному банку принять меры по созданию условий и упрощению процедур для:

предоставления коммерческими банками до 1 октября 2020 года отсрочки платежей по кредитам юридических и физических лиц, индивидуальных предпринимателей, столкнувшихся с финансовыми затруднениями;

неприменения штрафных санкций и мер взыскания на залоговое обеспечение по просроченным кредитам заемщиков, на деятельность которых негативно воздействовал введенный режим карантина.

Установить, что сумма начисленных и отсроченных коммерческими банками процентов по кредитам **не включается в состав совокупного дохода при исчислении налога на прибыль в период предоставленной отсрочки**.

12. Определить, что в период до 1 октября 2020 года Государственным фондом поддержки предпринимательской деятельности предоставляются:

поручительство по кредитам, выдаваемым субъектам предпринимательства с положительной кредитной историей на пополнение оборотных средств, в размере до 75 процентов включительно от суммы кредита, но не более 10 млрд сумов, вне зависимости от количества проектов;

компенсации на покрытие процентных расходов по кредитам, выдаваемым субъектам предпринимательства в национальной валюте на пополнение оборотных средств с процентной ставкой, не превышающей 1,75-кратного размера основной ставки Центрального банка, с сохранением установленных размеров компенсации.

Отменить ограничение на предоставление государственным фондом одному заемщику одновременно и поручительства и компенсации.

13. Фонду реконструкции и развития пролонгировать сроки погашения ресурсов, выделенных коммерческим банкам для рефинансирования кредитов, по которым предоставлена отсрочка платежа в рамках настоящего Указа.

14. Министерству финансов совместно с заинтересованными коммерческими банками переоформлять выданные государственные гарантии по кредитам, пролонгированным в рамках настоящего Указа.

15. Определить, что:

**вводится мораторий сроком до 1 октября 2020 года на инициирование процедур банкротства** и объявления банкротом предприятий, столкнувшихся с финансовыми затруднениями в связи с ограничительными мерами, введенными для противодействия распространению коронавирусной инфекции;

срок проведения аудиторской проверки по итогам 2019 года хозяйствующих субъектов, подлежащих обязательной аудиторской проверке, **продлевается до 1 октября 2020 года**;

разрешается проведение годовых общих собраний акционеров по итогам 2019 года **до 1 октября 2020 года**, а также в режиме видеоконференцсвязи;

ҚҲММБ: 06/20/5978/0393-сон
03.04.2020 й.



требование об обязательной ежегодной аудиторской проверке обществ с ограниченной и дополнительной ответственностью с балансовой стоимостью активов более ста тысяч базовых расчетных величин **вводится по итогам 2020 года**;

сроки уплаты административных штрафов, примененных к лицам, помещенным под карантин (за исключением ответственности за нарушение правил карантина), **продлеваются на период до окончания карантина**;

разрешается до 1 октября 2020 года оптовая реализация лекарственных средств, изделий медицинского назначения и другой продукции, изготавливаемых в аптеках;

до конца года при предоставлении займа (финансовой помощи) без обязательств выплаты процентного дохода заимодавцу доход, определяемый в целях налогообложения на основе ставки рефинансирования (основной ставки), не подлежит включению в состав совокупного дохода при исчислении налога на прибыль и налога с оборота и соответственно не подлежит налогообложению;

**приостанавливается начисление и взыскание арендных платежей** за использование государственного имущества субъектами предпринимательства, вынужденно приостановившими свою деятельность на период действия карантинных мероприятий;

**плательщики налога на прибыль вправе представлять справку о сумме авансовых платежей по налогу на прибыль начиная со второго квартала 2020 года** исходя из ожидаемого объема, с отменой требования его исчисления по результатам предыдущего квартала. При выявлении фактов злоупотребления данным правом налоговым органам предоставляется полномочие вносить изменения в представляемые справки об авансовых платежах по налогу на прибыль;

с 1 апреля 2020 года налогоплательщики применяют льготы по налогу на добавленную стоимость, предусмотренные решениями Президента Республики Узбекистан и Кабинета Министров, без условия направления высвобождаемых от налогообложения средств на определенные цели.

Республиканской антикризисной комиссии (Арипов А.Н.) принять меры по **созданию условий для лиц, продолжающих производственную деятельность,** с обеспечением прикрепления к ним служб санитарно-эпидемиологического контроля и учреждений здравоохранения для постоянного мониторинга за организацией условий для их работников, а также продлению сроков выполнения инвестиционных обязательств, невыполненных из-за ограничительных мер, введенных для противодействия распространению коронавирусной инфекции.

16. Определить, что:

строительные материалы, необходимые для строительства медицинских и карантинных учреждений по борьбе с коронавирусной инфекцией, а также товары, необходимые для их функционирования, освобождаются сроком до 31 декабря 2020 года от таможенных платежей, в том числе налога на добавленную стоимость;

при ввозе экспресс-тестов по выявлению коронавирусной инфекции с них не взимается сбор за таможенное оформление.

17. Внести изменения в Указ Президента Республики Узбекистан от 18 февраля 2020 года № УП–5938 «О мерах по оздоровлению социально-духовной атмосферы в обществе, дальнейшей поддержке института махалли, а также поднятию на новый уровень системы работы с семьями и женщинами» согласно приложению № 2.

ҚҲММБ: 06/20/5978/0393-сон
03.04.2020 й.



18. Указать органам государственной власти на местах на **слабую организацию работы** по предоставлению хозяйствующим субъектам отсрочки (рассрочки) по уплате налога на имущество, земельного налога и налога за пользование водными ресурсами.

Министерству финансов Республики Узбекистан обеспечить ежемесячную компенсацию из Антикризисного фонда местным бюджетам выпадающих доходов в связи с предоставлением отсрочек (рассрочек) по уплате налога на имущество, земельного налога и налога за пользование водными ресурсами.

19. Кабинету Министров Республики Узбекистан в недельный срок внести изменения в действующий порядок назначения и выплаты социальных пособий, направленные на упрощение процедуры оценки нуждаемости семей в получении социальных пособий, в том числе:

сокращение документов, предоставляемых вместе с заявлением на получение социального пособия;

исключение из совокупных доходов семьи отдельных трансфертов, являющихся мерами государственной социальной поддержки, и другое.

Министерству по поддержке махалли и семьи Республики Узбекистан и его территориальным подразделениям осуществлять тесное взаимодействие с органами самоуправления граждан с целью обеспечения адресности назначения социальных пособий и материальной помощи, а также оперативно принимать меры по привлечению необходимого содействия для оказания помощи семьям, остро нуждающимся в социальной поддержке.

20. Министерству финансов Республики Узбекистан в двухнедельный срок внести предложения о внесении изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан «О Государственном бюджете Республики Узбекистан на 2020 год» и другие акты законодательства.

21. Контроль за исполнением настоящего Указа возложить на Премьер-министра Республики Узбекистан Арипова А.Н., заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан Кучкарова Д.А. и председателя Центрального банка Республики Узбекистан Нурмуратова М.Б.

**Президент**
**Республики Узбекистан** **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

город Ташкент

ҚҲММБ: 06/20/5978/0393-сон
03.04.2020 й.

Приложение № 1
к Указу Президента Республики Узбекистан
от 3 апреля 2020 года № УП–5978

**ПЕРЕЧЕНЬ**
**товаров, в отношении которых устаналиваются нулевые ставки акцизного налога, таможенной пошлины до 31 декабря 2020 года при ввозе на территорию Республики Узбекистан**

| № | Код ТН ВЭД | Наименование товара |
|---|---|---|
| 1. | 0207 | Мясо и пищевые субпродукты домашней птицы, указанной в товарной позиции 0105, свежие, охлажденные или замороженные |
| 2. | 0301-0305 | Рыба |
| 3. | 0402,<br>0405,<br>0407 | Молоко и сливки, сгущенные или с добавлением сахара или других подслащивающих веществ;<br>Сливочное масло и прочие жиры и масла, изготовленные из молока; молочные пасты;<br>Яйца птиц, в скорлупе, свежие, консервированные или вареные |
| 4. | 0703,<br>0706,<br>0707 00 | Лук репчатый, лук шалот, чеснок, лук-порей и прочие луковичные овощи, свежие или охлажденные;<br>Морковь, репа, свекла столовая, козлобородник, сельдерей корневой, редис и прочие аналогичные съедобные корнеплоды, свежие или охлажденные;<br>Огурцы и корнишоны, свежие или охлажденные |
| 5. | 0708,<br>0713 | Бобовые, лущеные или нелущеные, свежие или охлажденные;<br>Бобовые сушеные, лущеные, очищенные от семенной кожуры или неочищенные, колотые или неколотые |
| 6. | 1101 00,<br>1104 | Мука пшеничная или пшенично-ржаная;<br>Зерно злаков, обработанное другими способами (например, шелушеное, плющеное, переработанное в хлопья, обрушенное, в виде сечки или дробленое), кроме риса товарной позиции 1006; зародыши зерна злаков, целые, плющеные, в виде хлопьев или молотые |
| 7. | 1512 | Масло подсолнечное, сафлоровое или хлопковое и их фракции, нерафинированные или рафинированные, но без изменения химического состава |
| 8. | 1701 99 | Сахар белый и прочий |
| 9. | 1902 | Макаронные изделия, подвергнутые или не подвергнутые тепловой обработке, с начинкой (из мяса или прочих |

| | | |
|---|---|---|
| | | продуктов) или без начинки; приготовленные другим способом или неприготовленные, такие как спагетти, макароны, лапша, лазанья, клецки, равиоли, каннеллони; кускус, приготовленный или неприготовленный |
| 10. | 2102 10 310 0, 2102 10 390 0 | Дрожжи пекарные |
| 11. | 3005 | Вата, марля, бинты и аналогичные изделия (например, перевязочный материал, лейкопластыри, припарки), пропитанные или покрытые фармацевтическими веществами или расфасованные в формы или упаковки для розничной продажи, предназначенные для использования в медицине, хирургии, стоматологии или ветеринарии |
| 12. | 3306 | Средства для гигиены полости рта или зубов, включая фиксирующие порошки и пасты для зубных протезов; нити, используемые для очистки межзубных промежутков (зубной шелк), в индивидуальной упаковке для розничной продажи |
| 13. | 3401,<br><br>3402 | Мыло; поверхностно-активные органические вещества и средства, применяемые в качестве мыла, в форме брусков, кусков или в виде формованных изделий, содержащие или не содержащие мыло; поверхностно-активные органические вещества и средства для мытья кожи в виде жидкости или крема и расфасованные для розничной продажи, содержащие или не содержащие мыло;<br>Вещества поверхностно-активные органические (кроме мыла); поверхностно-активные вещества, моющие средства (включая вспомогательные моющие средства) и средства чистящие, содержащие или не содержащие мыло (кроме средств товарной позиции 3401) |
| 14. | 3406 00 000 0 | Свечи, тонкие восковые свечки и аналогичные изделия |
| 15. | 3605 00 000 0 | Спички, кроме пиротехнических изделий товарной позиции 3604 |
| 16. | 4015 11 000 0, 4015 19 000 0 | Перчатки, рукавицы и митенки из вулканизованной резины |
| 17. | 4803 00, | Бумажные туалетные салфетки или салфетки для лица, полотенца и другие виды бумаги хозяйственно-бытового или санитарно-гигиенического назначения, целлюлозная вата и полотно из целлюлозных волокон, крепированные или некрепированные, гофрированные или негофрированные, тисненые или нетисненые, перфорированные или неперфорированные, с окрашенной или неокрашенной поверхностью, напечатанные или ненапечатанные, в рулонах или листах; |

ҚҲММБ: 06/20/5978/0393-сон
03.04.2020 й.



| | | |
|---|---|---|
| | 4818 | Бумага туалетная и аналогичная бумага, целлюлозная вата или полотно из целлюлозных волокон хозяйственно-бытового или санитарно-гигиенического назначения, в рулонах шириной не более 36 см или разрезанные по размеру или форме; носовые платки, косметические салфетки, полотенца, скатерти, салфетки, простыни и аналогичные изделия хозяйственно-бытового, санитарно-гигиенического или медицинского назначения, предметы одежды и принадлежности к одежде, из бумажной массы, бумаги, целлюлозной ваты или полотна из целлюлозных волокон |
| 18. | 5603 | Нетканые материалы, пропитанные или непропитанные, с покрытием или без покрытия, дублированные или недублированные |
| 19. | 9019 20 000 0 | Аппаратура для озоновой, кислородной и аэрозольной терапии, искусственного дыхания или прочая терапевтическая дыхательная аппаратура |
| 20. | 9619 00 | Женские гигиенические прокладки и тампоны, детские пеленки и подгузники и аналогичные изделия, из любого материала |

ҚҲММБ: 06/20/5978/0393-сон
03.04.2020 й.

Приложение № 2
к Указу Президента Республики Узбекистан
от 3 апреля 2020 года № УП–5978

**ИЗМЕНЕНИЯ,**
**вносимые в Указ Президента Республики Узбекистан от 18 февраля 2020 года № УП–5938 «О мерах по оздоровлению социально-духовной атмосферы в обществе, дальнейшей поддержке института махалли, а также поднятию на новый уровень системы работы с семьями и женщинами»**

В пункте 28:

в абзаце первом слова «в двухмесячный срок» заменить словами «до 1 декабря 2020»;

абзац второй изложить в следующей редакции:

«Внедрить с 1 июля 2020 года дополнительную специальную надбавку к должностному окладу в размере 30 процентов работников органов самоуправления граждан за счет дополнительных источников местных бюджетов и Специального фонда материального стимулирования бюджетных организаций.»;

абзацы третий – пятый исключить.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1